



Юқори ҳароратнинг ўсимликларда моддалар алмашинуви ва
ривожланишига таъсири.

Қўқон давлат педагогика институти Биология кафедраси ўқитувчisi
Турсунова Ш.А

Қўқон давлат педагогика институти Биология йўналиши талабаси
Нематов Ж.С

Юқори ҳароратга чидамлик кўп холларда унинг таъсир этиш даврига, абсолют ют қийматига боғлиқ бўлади. Қишлоj хўжалиги экинларнинг кўпчилиги муҳит ҳаво ҳароратининг $35\text{--}40^{\circ}\text{C}$ га етгунча қийнала бошлайди. Бу ва ундан юқори ҳароратда ўсимликда рўй берадиган бир қатор физиология жараёнлари сўна боради, 50°C га яқинлашганда ҳужайра цитоплазмасини қутиқлашиб унинг ҳалокати содир бўлади.

Ўсимлик учун оптимал бўлган ҳароратни кўтарилиши қисман ёки оммавий равишда ҳужайрадаги оқсилларнинг денатурациясига олиб келади. Бу эса плазмоллеманинг оқсил – липид мажмuinи бузилишига ва ҳужайрадаги бошка мемброналарнинг фаолиятига салбий таъсир қилади. Провард натижа ҳужайранинг осмотик хусусиятини бузилишига олиб келади. Ҳужайранинг кўплаб бажарадиган вазифалари издан чиқади, турли физиология жараёнларининг рўй беришидаги тезлик секинлашади. Мисол олганимизда, 20°C ҳароратда ўсимликнинг барча ҳужайраларида митоз бўлиниш меъёрида содир бўлса, ҳавонинг ҳарорати 38°C га кўтарилиганда митоз еттига ҳужайрадан биттасида рўй беради, ҳарорат 42°C га борганда бўлинаётган 513 ҳужайрадан биттасидагина бўлинади холос.

Юқори ҳароратнинг ҳужайра ва тўқималаридаги оқсил–липид мажмуига таъсири қутидагиларда кўрилади: 22°C ҳароратда ядронинг парчаланиш ҳодисаси хеч ҳам рўй бермайди. Ҳаро ҳарорати 38°C гача кўтарилиганда тадқиқ этилган ҳужайраларнинг 5,3 %да, 50°C га етганида эса барча ядролар амалда парчаланиб кетади. Ўсимлик учун максимал ҳарорат рўй берганида нафас жараёнидаги органик моддаларнинг парчаланиб сарфланиши уларнинг ҳосил бўлишидан кўп бўлади. Ўсимликда углеводлар камайиб у очиқа бошлайди. Бундай холат мўътадил иқлим



шароитида экиладиган буғдой, картошка ва бошқа томорқа экинларида аниқ намоён бўлади. Ўсимликни холдан тойиб “мадори қуриши” унда замбуруғ касалликларга чалиниш мойиллигини кучайтиради.

Оптимал ҳароратдан пастроқда ўсимлик ўсиши ва фотосинтез жараёни фотоассимиляцияни деярли тўхтатади. Бу жараён ферментлар фаолиятидаги бузилиш – ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу вақтда нафас жараёнидаги газлар алмашинуви кучаяди, унинг энергетик самарадорлиги пасаяди, парчаланиш маҳсулотлари (аммиак) таъсирида протоплазмани заҳарланиши рўй беради. Бу жараёнларнинг ҳаммаси ўсимликни “холдан тойишига” уни зўриқишига олиб келади. Япроқнинг айрим жойларида “куйиш” аломатлари ҳосил бўлади. Юқори ҳароратнинг таъсирига ирсий жиҳатдан мослашган ўсимликларда бундай холатларда заҳарланишга сабаб бўладиган ортиқча аммиак каби моддаларни боғловчи бирималар ҳосил бўлади.

Юқори ҳарорат ўсимликларнинг бевосита таъсир этиб турадиган хужайраларида унинг зўриқишига қарши тура оладиган оқсиллар синтезланади. Очиқ майдонлардаги ўсимликлар соядагиларга нисбатан юқори ҳароратнинг таъсирига анча чидамли бўлади. Анча юқори ($43\text{--}45^{\circ}\text{C}$) ҳарорат қисқа муддат таъсир этса ҳам ўсимликка ҳалокатли таъсир қилиб уни қуриб қолишига сабаб бўлади. Ўсимликни хаддан зиёд қизиб кетишни олдини олиш бу уни сугориш сув билан таъминланса, илдиздан борган сув барглар орқали транспирация жараёнини кучайтиради. Натижада ўсимликда сув алмашинуви кучайиб у совийди.

Ўсимликда барглар орқали рўй берадиган транспирация натижасида баъзан 10 – 15 °Сача ҳарорати пасаяди. Япроқлардаги устиналари ёпиқ, тез сўлийдиган ўсимликлар сув билан етарли таъминланадиганларга нисбатан тез қурийди. Ўсимлик қуруқ иссиқ ҳавога нам иссиққа нисбатан осонроқ чидайди. Ҳавонинг намлиги юқори бўлиб, ҳарорат ҳам анча баланд бўлганда транспирация билан барг ҳароратини назорати чекланади.

Ҳаво ҳароратининг кўтарилгани ўсимлик учун унинг ёритилиши кучли бўлганда айниқса ҳавфли бўлади. Қуёшнинг ёруғлик нурини таъсир даражасини камайтириш учун ўсимлик япроқларини нур тушишига нисбатан қирраси билан



жойлаштиради. Бундай жойланишга **эректоид** холат дейилади. Қүёшнинг нури япроққа кучли таъсир этганида хужайрадаги хлоропластларнинг ҳаракати тезлашади, бу билан худди ўзини ҳимоялаётган холга ўтади. Ўсимлик қуёш нурининг кучли таъсиридан қуийдаги морфология ва физиология ўзгаришларини ҳосил қилиб ҳимояланади:

1. Танасининг ранги оқиш тусга киритади.
2. Баргларини бураб юмалоқлаштиради, ёпади.
3. Ички тўқималарни қизиб кетишидан ҳимоялаш мақсадида япроқнинг юзасида майин туклар ёки тангачаларни ҳосил қиласи.
4. Флоэма ва камбийни ҳимоялаш учун пўкак қатлам юпқалашади.
5. Поянинг пўстлоғида кутикула қалинлашади.
6. Ҳужайра цитоплазмасида углеводлар кўпайиб сувнинг миқдорини камайтиради.

Ўсимлик дала шароитида сувсизланиб чанқаганида юқори ҳарорат унга ҳалокатли таъсир қиласи. Ўсимликни барглари ёки унинг танасини ҳаммаси анча сўлиганда фотосинтез ва нафас жараёнларида чуқур ўзгаришлар содир бўлганидан бошқа бир қатор физиология жараёнлари ҳам бузилади. Ўсимликни атмосфера ҳавосининг юқори ҳароратга чидамлиги унинг онтогенезига – ўсиш ва ривожланишнинг даврларига боғлиқ бўлади. Юқори ҳароратнинг энг катта ҳалокатли таъсири ўсиш ва ривожланишнинг дастлабки даврларига тўғри келади. фаол тарзда ривожланаётган ёш тўқималар эски, қари, “тинимга” ўтаётганларига нисбатан юқори ҳароратга чидамсиз. Ўсимликнинг турли қисмлари ҳам юқори ҳароратга чидамлиги турлича: ер ости қисми кам чидайди, поя, новда, куртакларнинг чидамлиги, бардошлиги бир мунча юқори бўлади.

Ўсимликларда рўй берадиган иссиқликка нисбатан зўриқишига у тезда мосланишни бошлайди. Юқори ҳароратнинг таъсирига ўсимлик бир неча соат олдин тайёргарликни бошлайди. Кунлар иссиқ бўлганида унинг юқори ҳароратига ўсимликларнинг чидамлиги чошгоҳдан кейин кучлироқ, чошгоҳгacha кучсизроқ



бўлади. Одатда, бу чидамлик барқарор эмас, мустаҳкамланиб қолмайди, ҳавонинг ҳарорати пасайиши билан уйўқолади.

Ўсимликларнинг юқори ҳароратга чидамлилигини аниқлаш учун ўрганиладиган ўсимлик баргини намлиги ва ҳарорати юқори бўлган камерага маълум муддатга кўйилади. Чидамлигини ўсимликнинг барги, новдаси ва бошқа жойларида ҳосил бўлган жароҳатларнинг белгиларига кўра аниқланади. Ф. Ф. Мацков усули бўйича ўрганиладиган ўсимлик баргидан олиб уни 30 дақиқага 40, 45, 50 дан то 80 °Сгача ҳароратли сувга солинади. 30 дақиқадан кейин баргни олиб совуқ сувга 10 дақиқага солинади. Ундан кейин 0,2 нормали НС1 эритмасига ўтказилади. Баргнинг заарланган қўйган жойлари, қуриганлари қўнғир тусга киради. Уларнинг сони, юзасини аниқлаб қанчалик чидагани, чидай олмагани ҳисобланади. Бундан ташқари юқори ҳароратга чидамлик протоплазмани ўтказувчанлигини билан ҳам аниқлаш мумкин. Ўтказувчанликни камайиши юқори ҳароратга чидай олмасликни белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ш.Тожибоев С.Мамасолиев “Ўсимликларнинг эколик физиологияси” Наманган 2015
2. Мустакимов Г.Д. “Ўсимликлар физиологияси ва микробиология асосларидан амалий машғулотлар” – Тошкент: «Ўқитувчи», -1990.
3. Сулеймонов А.С., Третяков К.Г. Ўсимликлар физиологияси амалий машғулотлар” – Тошкент, -1990.
4. Практикум по физиологии растений. Н.Н.Третьякова.–Москва ВО «Агропромиздат», 1990.
5. Хўжаев Ж.Х, Келдиёров Х.А., Стеснягия Т.Я., Давронов Б.Д., Қобулова Ф.Ж. «Ўсимликлар физиологияси» фанидан амалий машғулотларга доир методик тавсиялар Самарқанд: 1991.
6. Maxmudovich, X. X. (2022). CULTURE OF THE USE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN THE EDUCATIONAL SYSTEM. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(12), 268-271.
7. Makhmudovich, K. K. (2022). Building Models of Their Functions According to Single-Valued and Multivalued Compatibility Truth Table of Cryptographic Accelerations. *Open Access Repository*, 9(12), 44-49.
8. Sharifovich, A. S., Maxmudovich, H. X., & Mansurovich, B. M. (2022). Application Of Information Compression to Create New Hash Functional Algorithms of Rectangal Matrix Introduction. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 9, 54-57.
9. Sharifovich, A. S., Maxmudovich, H. X., & Mansurovich, B. M. (2022). Protocol For Electronic Digital Signature of Asymmetric Encryption Algorithm, Based on Asymmetric Encryption Algorithm Based on the Complexity of Prime Decomposition of a Sufficiently Large Natural Number. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 7, 238-241.



10. Aripov, M. M., Axmadaliyev, S. S., Xasanov, X. M., & Botirov, M. M. (2022). IMPLEMENTING MINIMUM GRAPH COVERING IN PYTHON. *Ann. For. Res.*, 65(1), 10016-10021.
11. Останов, К., & Ботиров, М. М. (2022). О НЕКОТОРЫХ ОСОБЕННОСТЯХ ИНТЕГРАТИВНОГО ПОДХОДА ПРИ ИЗУЧЕНИИ МАТЕМАТИКИ. *Проблемы науки*, (6 (74)), 5-7.
12. Mansurovich, B. M., & Ogli, Y. M. D. (2022). PHP DASTURLASH TILI VA UNING IMKONIYATLARI. *Ta'lim fidoyilari*, 18(5), 77-80.
13. Ботиров, М. (2017). Морфология твердой фазы биологических жидкостей, как метод диагностики в медицине. *Журнал проблемы биологии и медицины*, (4 (97)), 179-182.
14. БОТИРОВ, М. ўЗа-ўАЛЛА НАВБАТЛАБ ЭКИШДА ОРАЛИЙ МУДДАТДА БЕДА ПАРВАРИШЛАШ. ЧОРВАЧИЛИК. ВЕТЕРИНАРИЯ, 8.
15. Ботиров, М., Ураимов, Т., & Усмонхужаева, Г. Андижанской сельскохозяйственный институт, Республика Узбекистан ВЛИЯНИЕ ПОКРОВНОГО ПОСЕВА ЛЮЦЕРНЫ НА ПОЖНИВНЫЕ, КОРНЕВЫЕ ОСТАТКИ И ВОДОПРОЧНЫХ АГРЕГАТОВ В ПОЧВЕ. *ИЗДЕНИСТЕР, № 2 ИССЛЕДОВАНИЯ, НӘТИЖЕЛЕР 2017 РЕЗУЛЬТАТЫ*, 147.
16. Valiyevna, K. S., & Kizi, I. N. V. (2022). New vocabulary of the internet language: Methods of formation, reasons for the appearance. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(5), 84-89.
17. Turdaliyevich, M. I. (2022). SOME ISSUES IN THE PROCESS OF USING INFORMATION TECHNOLOGIES IN THE PROCESS OF THE EDUCATIONAL SYSTEM. *Open Access Repository*, 8(12), 289-294. Turdaliyevich, M. I. (2022). Methodological Aspects of Preparing A Future Informatics Teacher for Innovative Activities. *Open Access Repository*, 9(11), 337-339.
18. Rakhimovna, S. F. (2022). ANALYSIS OF NATIONAL MODELS FOR THE FORMATION OF ECONOMIC CLUSTERS IN UZBEKISTAN. *Open Access Repository*, 8(12), 530-535.
19. Alisherovna, E. N. (2023). Biologiya darslarida elektron darsliklardan foydalanish. *Ta'lim fidoyilari*, 12, 171-180.
20. Alisherovna, E. N. (2023). Pedagog imidji va muloqot madaniyati. *Ta'lim fidoyilari*, 12, 166-170.
21. Alisherovna, E. N. (2022). PEDAGOGICAL COMMUNITY AND ITS SOCIO-PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS. *ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603*, 11(11), 80-88.
22. Makhmudovna, A. M. (2022). THE ROLE OF SOLVING PROBLEMS AND EXERCISES IN BIOLOGY IN THE ACTIVATION OF COGNITIVE ACTIVITY OF STUDENTS. *Open Access Repository*, 8(12), 248-249.
23. Mahmudovna, A. M. (2022). DIDACTIC FOUNDATIONS OF COGNITIVE ACTIVITY AND ITS DEVELOPMENT IN STUDENTS. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429*, 11(12), 193-198.